

100084, O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent, Sh.Rashidov shoh k, 4-uy
(+998 55) 501-33-02, www.uzcexb.uz

№ 09-364
2022 y. «13» октабрь

Тижорат банкларига

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ вактинча бўш пул маблағларини танлов асосида тижорат банкларининг депозит қўйилмаларига жойлаштириш масаласини кўриб чиқишни режалаштирмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан куйидаги талаб ва шартларга мувофик тижорат таклифи ҳамда зарур ҳужжатларни тақдим қилишингизни сўраймиз.

Ҳужжатлар:

1) Охирги молиявий йил учун молиявий хисоботлар нусхалари (1 ва 2-сонли шакллар).

2) Кредитга лаёқатлилик рейтинг баҳоси мавжудлигини тасдиқловчи куйидаги халқаро рейтинг агентликларининг ҳужжатлари нусхаси:

- Standard & Poor's - В даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор»;
- Moody's – В2 даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор»;
- Fitch Ratings - В даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор».

3) Жами капитал миқдори тўғрисида маълумот (жами капитал 200 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги керак).

Вактинча бўш пул маблағларини жойлаштириш учун тижорат банкларига қўйиладиган талаблар:

1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкнинг фаолиятини тўхтатиб туришни назарда тутувчи ёки умуман банк бўйича бирон-бир операциялар турини амалга оширишни тақиқловчи санкцияларнинг мавжуд эмаслиги.

2) Охирги 12 ой давомида, миқдори ва туридан қатъий назар, жалб қилинган депозитлар бўйича 10 қундан ортиқ муддати ўтган тўловларнинг мавжуд эмаслиги.

3) Тижорат банкининг фаолият юритиш муддати (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган санадан эътиборан уч йилдан кам бўлмаган муддат).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олингани тўгрисидаги гувоҳнома ва банк амалиётини амалга ошириш учун лицензия нусхалари тақдим этилади.

ЎзРВБнинг вактинча бўш пул маблағларини ишончли жойлаштирилишини таъминлаш учун асосий тамойиллар ва шартлар:

1) Тижорат банкларининг депозитларига пул маблағларини жойлаштириш кайтариш, тўлаш, ликвидлик ва диверсификация тамойиллари асосида амалга оширилади.

2) Тижорат банкларига пул маблағларини жойлаштиришда асосий шарт мажбуриятлар бўйича ўз вактида тўловларни амалга ошириш хисобланади.

3) ЎзРВБнинг пул маблағлари тижорат банклари депозитларига 3 (уч) ойдан 1 (бир) йилгача бўлган муддатга жойлаштирилади.

4) Депозитлар бўйича фоиз даромадлар тўлови **хар ойда** амалга оширилади.

5) Юқорида келтирилган талабларга мос келган ва барча зарур маълумотларни тақдим этган тижорат банклари таклифларини саралашда асосий мезон **таклиф этилаётган фоиз ставкасининг микдори хисобланади**.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган тижорат банклари 2022 йил 14 октябрь (соат 15.00) га қадар **танлов таклифларини муҳрланган конвертда тақдим этишлари шарт**.

Кўрсатилган муддатдан сўнг келган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Алоқа учун телефонлар: (55) 501-33-02

Факс: +998 55 501-34-01.

E-mail: info@uzrvb.uz

Бош директор
ўринбосари



Б.Салойдинов